

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3104
20.12 yil ad. dekabr



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT SOLIQ KUMITASINING
QARORI**

**Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни
қайта кўриб чиқиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 327-сон “Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитаси **қарор қилади:**

1. Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар қайта кўриб чиқилиб, улар иловага мувофиқ миқдорларда белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасининг 2017 йил 27 декабрдаги 187, 2017-74-сон “Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 2959, 2017 йил 29 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 52-сон, 1275-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор 2019 йил 1 январдан кучга киради.


Молия вазири

Тошкент ш.,

2018 йил “24” декабрь

158 -сон




Д. Кучкаров


Давлат солиқ кўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари

Тошкент ш.,

2018 йил “24” декабрь

2018-85 -сон




Б. Мусаев

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг

2018 йил “24” декабр даги
158, 2018-85 - сон қарорига

ИЛОВА

Алкоголли маҳсулотлар*
учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар

Сотилаётган товарнинг номи	Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг кам улгуржи-сотиш нархи	Энг кам чакана нарх
Вино, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	8 000	9 600
Коньяк, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	29 000	34 600
Ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	19 400	23 200

*Пиводан ташқари

